

ЎЗБЕК САФАРНОМАЛАРИДА ТУРКИЯ МАВЗУСИ



Акбар Норматович НУРМАТОВ
Филология фанлари номзоди, доцент
Кафедра мудири
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
Тошкент, Ўзбекистон
akbarnurmatov@mail.ru

Аннотация

Мақолада ўзбек сафарномаларида Туркия мавзусининг журналистика нуқтаи назаридан ёритилганлиги ўрганилган. М. Бехбудийнинг “Саёҳат хотиралари” ҳамда Жамол Камолнинг “Марҳаболар афандим, бураси – Истанбул!..” каби турли йилларда ёзилган сафарномалари тадқиқ учун объект сифатида олинган. Туркия мавзуси ўзбек ижодкорларининг доимо диққат марказида ва улар бу халққа, унинг маданиятига ҳамиша катта хайрихоҳлик ва ҳурмат билан қараб келганлар.

Калит сўзлар: ўзбек йўл очерклари; трэвел-журналистика; сафарнома (саёҳатнома); Туркия мавзуси; жадиличлик; жарида.

ТУРЕЦКАЯ ТЕМАТИКА В УЗБЕКСКИХ ПУТЕВЫХ ОЧЕРКАХ

Акбар Норматович НУРМАТОВ
Кандидат филологических наук, доцент
Заведующий кафедрой
Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана
Ташкент, Узбекистан
akbarnurmatov@mail.ru

Аннотация

В статье анализируются турецкая тема в узбекских путевых очерках. В качестве материала для анализа взяты написанные в разные годы путевые очерки М. Бехбуди «Воспоминание о путешествии» и Ж.Камола «Добро пожаловать в Стамбул». Турецкая тема была всегда популярна среди узбекских деятелей, которые с симпатией и большим уважением относятся к этому народу и его культуре.

Ключевые слова: узбекские путевые очерки; трэвел-журналистика; путевой очерк; турецкая тема; джадидизм; журнал.

TURKISH THEMATICS IN UZBEK TRAVEL VISITS

Akbar Nurmatovich NURMATOV

Candidate of Philology, Associate Professor

Head of department

Journalism and Mass Communications University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

akbarnurmatov@mail.ru

Absrtact

The article analyzes the Turkish theme in Uzbek travel essays. As a material for the analysis, travel essays by M. Behbudi «Recollection of the Journey» and J. Kamola «Welcome to Istanbul» written in different years are taken. The Turkish theme was always popular among Uzbek figures, who with sympathy and great respect for this people and their culture.

Keywords: Uzbek travel essays; travel-journalism; travel essay; Turkish theme; jadidism; Journal.

Журналистикада сафарномалар (трэвел-журналистика) оммавий аудитория томонидан жуда илиқлик билан кутиб олинмоқда. Саёхатлар ҳақидаги матнларга ўзбек аудиториясининг қизиқиши сабаблари турлича. Аввало, азалдан ўзбек китобхонлари саёхатчиларнинг турли хотира ва ўз кўзлари билан кўрган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ҳикояларини катта қизиқиш билан ўқиб келганлар. Буларга Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Али Қушчи, Абдураззоқ Самарқандий, Заҳириддин Бобур, Муҳаммад Ҳайдар, Аҳмад Дониш, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Гулом, Жамол Камол, Аҳмаджон Мелибоев ва бошқаларнинг сафарномаларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Сафарнома (йўл очерк)лар – публицистик жанрларнинг энг “қадимий” кўринишларидан бири ҳисобланади. Номининг ўзиёқ унинг хусусиятини кўрсатиб турибди. У муаллиф томонидан босиб ўтилган йўл, сафар ҳақидаги тасвирлардан ташкил топади. Фабуланинг олдиндан белгиланганлиги унинг асосий хусусияти ҳисобланади. Муаллиф гувоҳ бўлган йўл кузатувлари, учрашувлар, воқеа-ҳодисалар, янги мамлакатлар, жойлар, шаҳарлар ҳақидаги таассуротлар – шуларнинг барчаси йўл очерки муаллифи учун материал бўлиб хизмат қилади. Ўзи гувоҳ бўлган, кўрган-кечирган, бадий тўқималарсиз, воқеликни борича (non –fiction) тасвирлаш доимо ўқувчиларни ўзига жалб этиб келган. “Саёхатномалар” – адабиёт ва маданиятнинг энг қадимий шакллари билан бири бўлиб, у инсон ва инсониятнинг ўз-ўзини англашида хизмат қилиб келган. Инсон ўзини англабдики, “фаровон ҳаёт”ни излаб, у ёқдан-бу ёққа қараб доим кўчиб юрган. Давлат ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши, улар ривожланиши билан босиб олиш ёки тинч йўл билан бегона ерларни эгаллаш мақсадида дастлаб жосуслар, яъни, саёхатчилар, савдогарлар, денгизчилар ва жойини ўзгартираман деган кишилар юборилган.

“Саёҳат”лар давомида улар ўзларининг бирор миллат ёки қавмга мансублигини, “бегона”лардан “ўзлари”ни ажрата олиш қобилиятига эга бўла бошлаганлар. Аста-секинлик билан “саёҳатномалар”да миллий ўзига хослик, ватанпарварлик каби туйғуларни шакллантириш биринчи ўринга чиқа бошлайди. “Бегона” ва “ўзиники”, бегона юртни она ватани билан қиёслаш жараёнида саёҳатчи умумий ва ўзига хослик, ўзга юрт ва ўз мамлакатининг устун жиҳатлари ва камчиликларини англаб етади. Шу тарзда саёҳатчида кўрган-кечирганлари ҳақида ўз ҳис-туйғулари билан бойитилган ҳолда ҳикоя қилиб бериш хоҳиши пайдо бўлади. Саёҳатчининг субъектив ва объектив қарашлари ўқувчини дунёга янгича кўз билан қарашга, ўз ҳаётини бошқа мамлакатлардаги ҳаёт билан солиштириш жараёнида “ўз”лигини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Биз ушбу мақолада Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Саёҳат хотиралари” ҳамда Жамол Камолнинг “Марҳаболар, афандим, бураси – Истанбул!..” йўл очерклари ҳақида сўз юритишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

XX асрда Туркистонга жадиличлик ҳаракатининг кириб келиши, кенг қулоч ёйиши ва таъсир доирасининг кучайиши билан бошланди. Туркистондаги жадиждар ислохотларни амалга ошириш учун рус ва хорижий, хусусан Москва, Петербург, Қирим, Кавказ, Туркия, Эрон, Араб мамлакатларига саёҳатлар қилиб, улар тажрибасини ўрганишга киришдилар. Шу билан бирга, туркистонлик зиёлилар хорижда кўрган-кечирганлари, таассуротлари, эшитган ва ўқиган илғор ғоялари, техник янгиликлар ҳақида сафарномалар, хотиралар ёзиб, уларни кенг оммага ёйишга ҳаракат қилганлар. Улар бу билан Туркистон ва Бухоронинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида ислохотлар ўтказишга нисбатан жамоатчилик фикрини хайрихоҳ қилиб шакллантирдилар, феодал-амирлик ва рус мустамлакачилиги манфаатдор бўлган қолоқлик ҳамда турғунликка қарши курашдилар.

Садриддин Айний 1905 йили Техронда нашр қилинган «Саёҳатномаи Иброҳимбек» сафарномасининг ўша даврда Бухоронинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида катта ҳодиса бўлганини ёзади (1). XX аср бошида Петербургда чиққан қозонлик публицист Салим Гарой Султоновнинг “Ҳаж саёҳати”, 1903 йили Қозонда чоп этилган Ризоуддин Ибни Фахруддиннинг “Исмоил саёҳати” каби сафарномалар туркистонлик жадиждар ва зиёлиларга улкан таъсир этган. Таниқли немис олими Ингеборг Балдауфнинг гувоҳлик беришича Петер Томзенинг “Фаластин адабиёти” (Лейпцих, 1916) китобида 1910–1914 йиллар орасида юздан ортиқ “Саёҳатномалар” битилган. Россиядан келган яҳудийлар ва

мусулмонлар ёзган бу асарлар Қозон, Саратов, Одесса каби шаҳарларда нашр қилинган (2).

Тўғри, ушбу сафарномаларнинг кўпчилиги оддий маълумотнома тарзида ёзилган, таассуротлар ҳам куруқ баёндан иборат бўлиб қолган. Туркистон жадидлари ичида биринчилардан бўлиб Маҳмудхўжа Бехбудий “Саёҳат хотиралари”ни “Ойна” журналида чиқаради. Маҳмудхўжа Бехбудий “Ойна” журнаliga муҳаррир бўлган пайтида иккинчи бор араб мамлакатларига саёҳатга отланади. У ўзининг “Саёҳат хотиралари”да бу ҳақда шундай дейди: “1318 (милодий 1899/1900 й.й.) сана ҳижрияси тавофи Байтуллоҳга Кафказ йўли ила Истанбул ва Миср ал-Коҳира воситаси-ла бориб, муддати сафарим саккиз ойдан зиёда сўзиб эди. 1325 (милодий 1906/1907 й.й.) санаи ҳижриясинда Русия мусулмонларининг муҳтарам зиёли ва ақобирларининг Нижний ёрминкасинда миллий ишлар тўғрисида машварат қилинатурган мажлисга мушарраф бўлмоқ учун Ўрунбург йўли ила Маскув, Петербург, Қозон воситаси-ла Нижний Новағўрўд бориб эдим” (3). Лекин у биринчи сафари ҳақида бундан ортиқ маълумот қолдирмаган. Чамаси Маҳмудхўжа биринчи сафари давомида кундалик тутмаган ва умуман сафарнинг мақсади ҳам бошқа бўлган, шекилли.

“Муаллифнинг кишлоқлар, шаҳарлар ва мамлакатлараро сафар пайтида йиғилган мушоҳада ва мулоҳазалари, ўрганган ва эшитганларининг бадиий-публицистик тасвирига сафарнома (йўл очерки) дейилади” (4, 99) – дея таъкидлаган эди профессор О.Тоғаев. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Саёҳат хотиралари» ўзбек даврий нашрида босилган илк сафарнома (йўл очерки) ҳисобланади. «Саёҳат хотиралари» бирмунча осон ва тушунарли тилда ёзилган. Гарчи Бехбудий кўп мақолаларини ўта мураккаб тилда ёзган бўлса ҳам, лекин унинг “Саёҳат хотиралари” (баъзи атама ва сўзлар арабча ва форсча эканлигини эътиборга олмаганда) кенг оммага тушунарли бўлиши учун соддароқ услубда ёзилган. Эҳтимол, Бехбудий ватандошларининг аянчли аҳволини кўрсатиш учун шундай услубни танлагандир. Ҳар ҳолда “Саёҳат хотиралари”нинг илк сатрлариданок реал ҳаётий лавҳаларга дуч келамиз. Ушбу қиёсий тасвирлар орқали Бехбудий туркистонликларнинг оғир аҳволини янада яққолроқ кўрсата олган. Маҳмудхўжа Бехбудий қиёслашни хорижий мамлакатга етиб боришни кутиб ўтирмасдан ўз ватанидан бошлайди. Унинг ҳар бир кузатиши, тасвири китобхонни бефарқ қолдирмайди. Бехбудий сафарномаси учун эҳтиросларга берилмасдан, насихатомуз оҳанглардан мутлақо йироқ бир услубни танлайди. У фақат ўзи кўрган, эшитган, гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисаларни иложи борица ҳолислик билан тасвирлашга ҳаракат қилади: Масалан, “Ҳаво иссиғ, вагон

ичинда 33 даража ҳарорат бор. Энди Самарқандни ҳаво ва латофати ёдга келур. Вагондаги руслар: “Оҳ, Самарқанд. Вой, беҳишт,” – дер” (4, 57).

Беҳбудий қаерга бормасин таълим, маърифат, матбаачилик билан кизиқади. Уларни ўзимиздаги аҳвол билан қиёслайди. Бокуда бир кунгина бўлганига қарамасдан, журнал ва газеталар фаолияти билан кизиқади. Гарчи Бокуда сармоядорлар кўп бўлса-да, лекин “жаридаларнинг тараққий этмоқиға ва “мусулмон жаридасининг идораси” демоқға лойиқ бир манзара ташкил этмоқиға ҳаракат қилмоқлари керак эди” (4, 60), – деб афсусланади. Муҳаррирлар ва газеталар ночор бир аҳволда эканлигини айтади. Таниқли олима Ингборг Балдауф Маҳмудхўжа “Қуддуси шарифга саёҳати баҳонасида ўқувчиларга кўнглининг тубида чўкиб ётган ғам-андуҳларини, Ўрта Осиёнинг дард-ташвишларини баён этиш ҳамда ватандошларига уларнинг хатоларини кўрсатиб бериш учун бу асарни битган” (2), – дея таъкидлайди.

Мана шундай тарздаги қиёсий таҳлил “Саёҳат хотиралари”нинг бошидан то охиригача давом этади. Ҳар бир тасвирда, агар у мусулмон юртлари ва дунёси бўлса, Туркистондаги аҳвол билан, яъни ўхшашлик томонлари билан солиштирилади. Лекин, афсуски, ушбу ўхшашлик томонлар кўп ҳолларда ночорлик, қоқоқлик, маърифатсизликда кўринади. Улар, яъни мусулмонлар ижтимоий табақаланишнинг энг қуйи поғонасига тушириб қуйилганлиги ички бир дард билан тасвирланади. Беҳбудий мусулмонларнинг ушбу ночор аҳволга тушиб қолишларига аввало ўзлари айбдор эканлигини бот-бот таъкидлайди. Масалан, бир катта Эрон савдогаридан жариди сўраганида унда йўқлигини эшитиб: “Ана, сизға мусулмоннинг катта саводхонаси, Ватандан ва бутун олами исломдан хабарсиз яшайдур, оҳ...” (2, 65).

У насроний ёки яхудийлар, арманлар ва бошқа миллатларга тааллуқли ҳаёт манзараларини тасвирлаганида, улардаги ишбилармонлик, уддабуролик ва хабардорлик хусусиятларини туркистонликларга ибрат маъносидида таъкидлаб ўтади. Лекин Истанбулга борганида Беҳбудий у ердаги аҳволни, воқеа-ҳодисаларни кўтаринки оҳанг ва ҳайрат билан тасвирлай бошлайди. Беҳбудий Туркия ҳақида “ёзилатурғон матлаблар ҳар нимарсадан кўп” дейди. Беҳбудий Истанбул хотираларини шаҳарнинг турли манзараларини чизиш билан бошлайди. Истанбулнинг ҳар тарафини “кўклик ва хуррам ва бир тарафи денгиздир” деб таърифлайди. Истанбулдаги муқаддас қадамжолар, жомеъ ва масжидлар, зиёратгоҳ жойларни ҳам бирма-бир санаб ўтади, уларнинг ўша пайтдаги аҳволи ҳақида кенг маълумотлар беради. У зиёратгоҳ ва тарихий обидалар “ўрта Барроқ су(в), тарафайнда катта иморатлар” ҳақида тўхталади, сўнгра Туркиянинг сиёсий аҳволи, олиб бораётган уруши ҳақида

батафсил ёзади. Турк аскарларининг матонати ҳақида гапиратуриб: “...Ерларни қозиб, томурлар қобуғини ебдурлар. Ана, 20-асрнинг маданияти ва миллатчилиги. Бу бўлмаса ва мундоқ фидокорлик қилинмаса, миллат ва динлар маҳв бўлуб кетар...” (2, 78), – деб турк аскарларига таҳсинини билдиради.

Беҳбудий саёҳатчи сифатида ўта холис ва қатъий. Яхши нарсалар ҳақида яхши, ёмон нарсалар ҳақида ёмон гапирди. Масалан, “Елдириш Боязид Султоннинг жомеъи шарифи бутун хароб бўлуб, ичи мазбалоғодур (ахлатхона). (Ана мусулмонлик)” деб ёзади у. Энг асосийси, Туркияда ҳар бир кўрган нарсасини Туркистон билан солиштиради ёки мусулмон маданиятини бошқа маданиятлар билан қиёслайди.

Шўролар даврида ҳам Туркияга саёҳат қилган журналист ва ёзувчиларимиз кўп бўлишган. Лекин, улар Туркия ҳақида жуда кам сафарнома ёки хотиралар ёзишган. Фақат ўтган асрнинг 80-йиллар охирида бир гуруҳ ёзувчи ва шоирларимиз Туркия сафарида бўлишган. Шундай сафарномалардан бири – машҳур шоир, таржимон, публицист Жамол Камолнинг 1989 йил июнь ойида Туркияга сафари ҳақида ёзган “Марҳаболар, афандим, бураси – Истанбул!...” йўл очеркидир. Таниқли ёзувчимиз шўролар даврида Туркияга сафарга борганлар ҳақида Собир Сайхон тилидан қуйидагича таъриф беради: “Бу ерга (Туркияга) гоҳ-гоҳ сайёҳ бўлиб ёки илмий анжуманларга юртдошлар келиб туришади, келганлар кўпинча биз билан учрашмайди, учрашса – гапиришмайди, гаширишса, ёлғон-яшиқдан нарига ўтишмайди... Фақат Тўра Мирзо ва Тоҳир Қаҳҳор бундан мустасно... Бошқалар келиб, нукул эртак айтиб кетишди... Юрт дорилмон, дарёларда сут, ариқларда бол оқади, қабилида... Баъзан ғалати ҳангомалар ҳам бўлиб туради...”.

Жамол Камол Истанбулга “етсам” деб ўттиз йил йўл босдим дейди. “Истанбулни кўрсайдим” деб илк бора йигирма бир ёшида орзу қилганини таъкидлайди. Отатурк аэропортидаёқ “Тошкентдан галмиш...” Бошлиқ – офицер менинг анкетамга кўз югуртирдию, юзлари бирдан ёришиб кетди: “Тошкентдан галдинизми?.. Буюринг, бей афандим, марҳаболар!..”, деб туркларнинг илиқ кутиб олганини айтади.

Жамол Камол ўртадаги юз йилга яқин алоқаларнинг узилиши натижасида қанчалар жарлик пайдо бўлганини Истанбул университетига ташрифи давомида бир неча эпизодларда тасвирлайди. Номаълум рассом томонидан чизилган Ҳазрат Навоий сувратини, Амир Темур байроғини, Аҳмад Яссавий сувратларини танимаганини ажиб бир тарзда ҳикоя қилиб беради. Кўпгина тарихий обидалар, осори-атиқалар, маданият ва санъатга оид меросимиз бир-бирига не қадар ўхшашлигини ҳам чиройли эпизодларда кўрсатиб берган. Шу билан бирга, ўша

пайтда (ўтган асрнинг 80-йиллари назарда тутилмоқда) шўролар даврида ёзувчиларимиздан бирортасининг асарлари таржима қилинмаганини айтиб ўтади. Истанбул, Анқара, Кўниё (Мавлоно Жалолиддин Румий мақбаралари зиёрати кўп ажойиб ёритилган) каби шаҳарлар ва улар ўртасидаги табиат манзаралари қизиқарли оҳангда, содда тилда ҳикоя қилиб берилган.

Мустафо Камол Отатурк мақбарасини зиёрат этганида, ёзувчимиз Отатуркнинг сўзларидан намуналар келтиради:

“Биз турклар – Туркистоннинг болаларимиз!..”

“Миллий ўзлигини билмаган миллатлар бошқа миллатларга бўлғай...”

“Миллий чегараларимиз доирасида хур ва мустақил яшамоқ истаимиз...”

Ушбу сафарнома: – Марҳаболар афандим, бураси – Истанбул!...

Юрагим ҳапқириб кетади:

“Ё оллоҳ, биз ҳам дунё билан боғланыпмиз шекилли!...” , деб тугалланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Саёҳат хотиралари” ҳамда Жамол Камолнинг “Марҳаболар, афандим, бураси – Истанбул!..” йўл очеркларида, асосан, дунё билан ҳамжиҳатлик, маърифатга юз буриш, маданий муассасаларни кенгайтириш, хўжалик юритишда илғор фан ютуқларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берганлиги яққол кўзга ташланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – М.: СССР халқлари нашриёти, 1926. – 31 б.
2. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият, 2001. – 70 б.
3. Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1999. – 57 б.
4. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1976.
5. Жамол Камол. ”Марҳаболар, афандим, бураси – Истанбул!..“ // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1989 йил, июнь.